Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 28 февраль 1970 йил, шанба ◆ № 49 (14.515). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Бугун Тошкентда қишлоқ хўжалик илғорларининг республика қурултойи очилади.

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

ДЕҲҚОНЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Бугун Тошкент азиз меҳмонларни — республикамиз қишлоқ хўжалик илғорларини қучоқ очиб кутиб олди. Улар пойтахтга ўзларининг анъанага айланган қурултойларига келишди. Муҳташам Санъат саройига жилвакор Аму соҳилларидан, Сурхон ва Қашқа воҳаларидан, гўзал Фарғона ва фусункор Зарафшон водийларидан, қадимий ва навқирон Бухородан, чўлқувар баҳодирлар диёри Сирдарё ва пойтахт Тошкент областларидан келган илғорларнинг илғорлари тўпланишади. Қурултой қатнашчилари орасида республикамизнинг шон-шуҳрати, халқимизнинг фахри ва миллий иftихори бўлган «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштираётган, пахтачиликни юксалтиришдан иборат муқаддас ва шарафли ишга энг кўп ҳисса қўшаётган донгдор пахтакорлар, элда азиз ғаллакорлар, қумуш тола иккидонларни, ялов-ларнинг баҳодирлари, мирзиқор соҳибкорлар, партия, совет, қишлоқ хўжалик, касаба союз ва комсомол ходимлари, қардош республикаларнинг вакиллари бор.

Бугунги улқан анжуман қатнашчилари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленум. ларининг қарорларини амалга ошира бориб, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари юксалтириш соҳасида қилинган ишларга якун ясайдилар. Юбилей йилининг янги марраларини белгилайдилар, 1970 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қиладилар.

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бултур қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Улар об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли юз берган жуда катта қийинчиликларни мардонавор енгдилар. Пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Чорва моллари ва парранда маҳсулотлари ва ем-хашак ишлаб чиқариш ҳажмини анча оширдилар.

Сўнгги йилларда республикамиз қишлоқ хўжалигини мустаҳкам ва юксалиб борди, пахтачилигимиз, чорвачилигимиз ва бошқа тармоқлар янги поғонага кўтарилди. Узбекистон колхоз ва совхозлари кейинги тўрт йилда давлатга 16 миллион тонна пахта етказиб бердилар. Бу, халқ хўжалик планида белгиланганидан 551 минг тонна кўпдир. Шу даврда мобайнида гўшт, сут, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти, пилла, қорақўл тери етиштириш ҳам бирмунча кўпайди.

Эришган ютуқларимиз қанчалик катта ва қувончли бўлмасин, ҳали ишимизда кўпгина хато ва камчиликлар бор. Ер, сув, ўғитлар, техника ва ишчи кучи ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлаш соҳасида ҳали кўп иш қилиниши, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди қўйган, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда сўзлаган нутқида олдинга сурилган вазифалар тўла ҳал этилиши зарур. Деҳқончилик маданияти янада ошириліши, гўза ва бошқа экинларнинг касалликлари, зараркунандаларига қарши кураш кучайтирилиши, алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этишга эътибор кучайтирилиши лозим. Шубҳасиз, бугун қурултойда ана шу масалаларга катта эътибор берилади, у ҳамманинг диққат марказида туради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XVII пленуми республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш тадбирларини белгилади. Бу йил ва шундан кейинги йилларда пахтанинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили анча оширилиши, чорвачиликнинг қолоқлигига барҳам берилиши — хуллас, қишлоқ хўжалиги комплекс юксалтирилиши керак. Қурултой бекобод металлургия, мирзачўлдаги пахтакорлар, бухоролик чорвадорлар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш, кўклам экишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни агротехника қоидалари асосида қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусини кенгайтириш шиори остида ўтади.

Ишингизга катта муваффақиятлар тилаймиз, қурултой қатнашчилари!

ҒАЛЛАКОРЛАР ШИЖОАТИ

ЯНГИБОЗОР, («Совет Узбекистони» мухбири). Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози ғаллакорлари баҳорги дон экишни тобора қизитмоқдалар. Шу кунгача 300 гектар майдонга уруғ экилди. Бу ишда 7 трактор ишлаяпти. Ҳаким Тўлаев,— Собир Еқубов каби механизаторлар ҳар куни 7—8 гектардан ерга сифатли қилиб дон экмоқдалар.

— Ғаллазорларимиз тоғ бағрига жойлашган,— дейди бригадир Зокир Қурбонов,—жарликлар ҳам кўп, тракторларни бемалол юргизиб бўлмайди. Шунга қарамай, уруғ сочиш мумкин бўлган бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмаймиз, лалми ғаллани 600 гектарга етказамиз.

Йил ғаллачилик учун қулай келяпти. Фурсатдан фойдаланиб, кузги ғаллани озиқлантиришга киришдик. 3400 гектар майдондаги кузги бўғдой майсалари барги орқали озиқлантириляпти. Юбилей йилида кенг майдонларнинг ҳар гектаридан 12 центнердан дон етиштирамиз, 4700 тоннадан хирмон кўтариб, шундан давлатга пландаги 1400 тонна ўрнига 2 минг тонна дон сотамиз.

Суратда: Республикамиз областларидан қурултойга келган делегатларнинг бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОБЛАСТЛАРИДА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

1970 йил 27 февралга бўлган

МАЪЛУМОТ

(гектар ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — беда экиш плани, учинчи стун — экилган майдон, тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти, бешинчи стун—шу жумладан бошқа экиналарга аралаштириб экилган беда.

Самарқанд	12000	2910	24,3	1862
Фарғона	11000	2378	21,6	1783
Бухоро	11000	2213	20,1	2181
Андижон	10500	1740	16,6	1703
Наманган	9000	1489	16,5	1489
Сурхондарё	8000	1143	14,3	1133
Сирдарё	22000	2545	11,6	1808
Қашқадарё	7500	730	9,7	284
Тошкент	13000	689	5,3	630
Хоразм	6000	—	—	—
ҚҚ АССР	10000	—	—	—
Республика бўйича:	120000	15837	13,2	12873

ТЕХНИКАНИ ЭГАЛЛАНГ!

Шоймардон ҚУДРАТОВ,
Гагарин районидаги «Советобод» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

◆

Азиз ҳамкасб дўстлар! Мен асли Сурхон водийсининг Шўрчи райониданман. Жанубда кекса Боботоғ, шимолда Ҳисор тоғлари савлат тўкиб турган воҳада ўсганман. Киндик қоним тўкилган муқаддас ернинг азиз тупроғини, унумдор далаларини, сув ва ҳавосини, бепоён яйловларини, дарахтзорларини, ҳатто тошларини ҳам шу қадар севаманки, буни сўз билан ифодалашга ожизман.

Ёшлигимданоқ техникага ихлос қўйдим. Бундан 11 йил олдин «СХМ-48М» маркали «зангори кема» штурвалига ўтирган эдим. Дастлабки йили механик-ҳайдовчига шогирд тушдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, устозим рулни ўзимга топширди. **Шундай қилиб, 1959 йилнинг йиғим-терим мавсумида 120 тонна пахтани бункердан тўкишга муваффақ бўлдим.** Ўша йилларда бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланарди.

Шўрчи районидаги «Коммуна» колхози правлениеси ва партия ташкилоти 1960 йилда тажриба тариқасида битта комплекс механизациялашган бригада тузишга қарор қилдилар. Ана шу бригадага раҳбарлик қилиш менга ишониб топширилди. Мен ва бригаданинг бошқа етти аъзоси бу юксак ишончни оқлаш учун барча имконият ва билимларимизни ишга солдик. Оқибатда қуддартли техниканинг мўъжизакор куч эканлиги, комплекс механизация пахтачиликни ривожлантиришнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлиги амалда исботланди. **Бригадамиз аъзолари биринчи йилнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан 40 центнердан хирмон кўтаришга ва Сурхондарёда энг арзон пахта етиштиришга муваффақ бўлдилар.**

Дастлабки йили 46 гектар майдонга эга бўлган кичик бригадани 200 гектар ерга эга бўлган йирик комплекс-механизациялашган бригадага айлантириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу бригаданинг раҳбарлигини ҳам менга топширишди. Шундай қилиб, механизациянинг қудрати йил сайин яққол намоён бўла борди. Ҳосилдорлик ҳам йилдан-йилга ошиб борди.

Мен мақтовни ёқтирмайман. Шундай бўлсада техниканинг беқиёс мўъжизакор кучи ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. **Мен «Зангори кема» билан 1960 йилда 180 тонна, 1961 йилда 200 тонна, 1962 йилда 240 тонна пахта теришга муваффақ бўлдим.**

1965 йилда бригадирликни ўз ёрдамчимга топшириб, қўриқ ер очишга аҳд қилиб қўшни Охунбобоев номли колхозга ишга бордим. Бу ерда ҳам механизаторлик касбим кўл келди. Кузга бориб қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» териб олдик. Мен ўзим машинам бункеридан 246 тонна пахта тўкдим. Партия ва ҳукуматимиз менинг қилган меҳнатимни юксак баҳолаб, ордин берилди.

ҲАМКАСБ дўстлар! Мана, тўрт йилдирки, мен Шеробод даштида истиқомат қиляпман, бу ерда янгидан ташкил қилинган «Советобод» совхозида ишлаб, пахта етиштиряпман. Мен бу ерга партия ва ҳукуматимизнинг асрлар бўйи қақраб ётган Сурхон—Шеробод даштини ўзлаштириш ва ана шу ерда совет пахтачилигининг янги, йирик районини вужудга келтириш ҳақидаги қарорига асосан қалб амри билан келганман.

Тўғрисини айтсам, Шеробод чўлига отланиш, бепоён дашт-адрлар, қўрқ ва бўз ерларни инсон изига бўйсундириш орзуси менда Кремлдаги съездлар саройида уйғонди. Мен партиямиз XXIII съезди делегати сифатида беш йиллик план Директивларини тасдиқлаш учун овоз бердим. Ана шу тарихий ҳужжатда Сурхон — Шеробод даштини ўзлаштириш ҳақидаги сатрлар ҳам бор эди.

Шеробод чўлидаги «Советобод» совхози мен билан бирга чўл қувлашга келган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров, Тоғай Абсаматов, Назиртош Тўраев, Светлана Продан, Абдусалом Тангиров, қардош Тожикистон республикасидан келган Ҳайит Шоймардонов, Омон Тўлаганов, туркман йигити Зойир Тангматов ва ўнлаб бошқа донгдор механизаторларга киндик қони томган жойидек азиз ва мўътабар бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда бизларга эргашиб чўлга кўчиб келган механизаторлар сони 200 дан ошиб кетди.

АЗИЗ дўстлар! Чўлга кўчиб келганимиздан буён кўп қийинчиликларга дуч келдик, ўжар табиат билан юзма-юз олишдик, унинг синовларидан бир неча бор ўтдик. Мен бошлиқ бригада аъзолари 1967 йилнинг бригада «Советобод» совхозида енг шимариб ер очишди, унумдор даштларга барака уруғини қададик. Неча минг йиллар давомида «сув-сув» деб тамшаниб, ҳансираб ётган ташна чўл бирданига жонланиб кетди. Дастлабки йили ўн киши бўлиб қудратли техника ёрдамида чўлдан 87 гектар ер очиб чигит экдик. Олдинги йили шунга ўхшаш майдонларнинг ҳар гектаридан 6 центнердан ҳосил олинганини айтишди. Биз «афғон» гармсел шамолини ҳам, баҳор инжиқликлари ва сароторнинг оловнафас жазирамаларини ҳам сабот билан енгдик. **Биринчи йили қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан пландаги 11 центнер ўрнига 20 центнердан хирмон кўтардик. Мен 1967 йили биринчи марта синаш учун ишлаб чиқарилган тўрт қаторли «Узбекистон» маркали терим агрегати штурвалига ўтириб, мавсумда 358 тонна пахта теришга муваффақ бўлдим.**

Ҳосилни йиғиштириб олгач, чўлнинг янада ичкарироқ қисмига, инсон пойқадами етмаган жойига силжидик. **1968 йил баҳорида янги очилган 77 гектар майдонга барака уруғи қадаб, кузакда ҳар гектар майдонда 31,5 центнердан пахта териб олишга эришдик. Ўша йили мен «Узбекистон» маркали машина бункеридан 528 тонна пахта тўкиб, техниканинг мўъжизакор кучини намойиш қилишга муваффақ бўлдим.** Мутахассислар менинг битта машина билан мавсумда терган пахтам 132 моҳир теримчининг мавсум нормасига тенг эканлигини айтишди.

ҚАДРЛИ ҳамкасблар! Кўриб турибсизки, қудратли техника уни пухта эгаллаган кишининг қўлида қандай мўъжизалар қилишга қодир экан! Ҳар бир механизатор, техникани севган ҳар бир киши буни сира унутмаслиги керак.

Бригадамиз аъзолари ўтган йили 75 гектар қўриқ ерининг ҳар гектаридан давлатга 33 центнердан пахта топширдилар. Мен ўзим эса мавсумда 550 тонна пахтани машинада териб бериш мажбуриятини олиб, бу юксак маррани ошириб уддаладим — мавсумда бункердан 585 тонна «оқ олтин» тўкдим. Бу, 150 чевар теримчининг мавсум нормасига тенгдир.

Мен «зангори кема» рулига ўтирганимдан бери, яъни 1959 йилдан буён машина бункеридан тўккан пахтамни ҳисоблаб чиқдим. Маълум бўлишича, ўтган ўн йил давомида менинг машинада терган пахтам 3.057 тоннани ташкил этар экан. Бу ўрта даражали бир хўжаликнинг бир йилда давлатга сотадиган пахтасига тенг дейиш мумкин. Ёки шунча пахтани бир мавсумда териб олмоқ учун камида 1000 дан зиёд теримчи талаб этилади. Мутахассислар менинг ўн йилда машинада терган пахтамни пулга чақиб, унинг қиймати камида 1 миллион 700 минг сўмни ташкил этишини айтишди.

Қадрли механизатор дўстлар! Мен мана шундай ғоят юксак натижаларга фақат техника туфайлигини эришдим. Шунинг учун ҳам сизларни техникани эгаллашга, уни моҳирона бошқариб, унумли фойдаланишга чақираман.

Мен яқинда «Совет Узбекистони» газетасида Ромитан районидаги Энгельс номли колхоз механизаторларидан бир группасининг «Чигит экишга шаймиз» сарлавҳали мақоласини ўқиб чиқдим. Мақола авторлари «Трактор ёки терим машинасини бошқарадиган кишини пахтачиликда карвонбоши деса бўлади. Сабаби, кузги шудгорлашдан тортиб ҳосил теримигача бўлган ишларнинг ҳаммасини бажаришда механизаторлар доим олдинги сафда боради»... деб жуда тўғри ва оқилона фикр баён этганлар.

КЕЛИНГ, дўстлар, техникани пухта эгаллайлик, ҳозирги давримиз талаблари даражасидаги кишилар бўлиб етишайлик, карвонбоши деган улуғ номни оқлаш учун ҳамма имконият ва билимимизни ишга солайлик!

Биз кўчиб келган кезларимизда чўлда шўра ва янтоқдан бўлак ҳеч нарса учрамасди. 3—4 йил ичида боғ-роғлар барпо этдик, совхозимиз посёлкаси шаҳар тусини олди. Кўп хонали ва барча қулайликларга эга бўлган маданий уйларда яшаяпмиз. Болаларимиз данғиллама янги мактабларда ўқишяпти. Шу туфайли бутун эътиборимизни, кучимизни пахта етиштиришни кўпайтиришга, ҳосилдорликни оширишга қаратмоқдамиз.

Бу йилги маррамиз янада юксак Бригадамиз аъзолари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида ҳар гектар майдондан 40 центнердан чўл дурдонаси етиштиришга сўз бердилар. Ҳозиргача кузги-қишки ишларни тўла бажардик, яхоб бериш, ерларни текислаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариб солиш ишларини тугалладик. Хуллас, ҳамма нарса чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Мен ўзим 1970 йилги йиғим-терим мавсумида тўрт қаторли «Узбекистон» маркали агрегат билан 600 тонна пахтани бункердан тўкишга сўз бераман.

АЗИЗ ҳамкасбларим! Қутлуғ йилда меҳнат шуҳрати йўлидан олга ва фақат олга шаҳдам қадам ташлайлик. Улуғ Ватанимизнинг бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўшайлик!

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарларининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан Тошкентда ўтказилган уч кунлик республика семинари ўз ишини тамомлади.

26 февралда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов «Ҳозирги босқичда идеология ишини кучайтириш юзасидан район ва шаҳар партия комитетларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Шунингдек «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси» деган мавзуда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, «Республикада илмий тадқиқот ишларининг аҳволи ва истиқболлари тўғрисида» Узбекистон Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов. Узбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплан-нинг раиси С. К. Зиёдуллаев, партия ташкилотларининг КПССга қабул қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий — партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орлов доклад қилдилар.

Семинар қатнашчилари партия иши тажрибасини ўртоқлашдилар, республика пойтахтидаги бир қанча заводларни бориб кўрдилар.

Пировардида семинар қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Сўнгги соатда

ТАСС-ЎзТАГ ХАБАРЛАРИ:

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ УРХО КАЛЕВА КЕККОНЕННИНГ СССРда БУЛИШИ ТЎҒРИСИДА

✦ ФИНЛЯНДИЯ Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукуматининг таклифига биноан, шу йил 24 февралдан 26 февралга қадар гайри расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Визит вақтида Президент У. Кекконен Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин билан суҳбатлар ўтказди.

Совет раҳбарлари Финляндия Президенти ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат бердилар.

Иккала мамлакатнинг раҳбар арбоблари ўртасидаги анъанавий алоқаларнинг давоми бўлган ушбу учрашув фойдали ўтди ҳамда Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги дўстлик ва кенг нўлмдаги самарали ҳамкорликни ривожлантириш манфаатларига мос келади.

ССР ИТТИФОҚИ МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

✦ СССР Қуролли Кучларининг жанговар ва оператив тайёргарлик планига мувофиқ, шу йил март ойида Белоруссия ССР территориясида бир қанча ҳарбий округ қўшинлари ҳамма турларининг иштироки билан «Двина» қўшин маневрлари ўтказилади. Бу маневрлар қўшинларнинг жанговар таълими ва штабларнинг оператив тайёргарлиги даражасини текшириш ҳамда янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

✦ УЗБЕКИСТОН ССР саноат ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўп турларини ишлаб чиқариш юзасидан январь-февраль планини муддатидан олдин—27 февралда бажардилар.

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

«ЛЕНИНИЗМ ВА ЖАҲОН РЕВОЛЮЦИОН ЖАРАЁНИ» МАВЗУИДАГИ ҲАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

<> <>

ИШЧИЛАР синфининг улуғ интернационал таълимоти Ленинизмга садоқат — коммунистик ва ишчи партиялар кучлари ва бундан кейинги ғалабаларининг энг муҳим манбаидир. «Ленинизм ва жаҳон революцион жараёни» деган мавзуга бағишланган халқаро назарий конференция қатнашчилари нутқларининг асосий моҳияти ана шундан иборат.

26 февралда, конференция ишларининг яқунловчи кунида Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори Б. Балдо биринчи бўлиб сўзга чиқди. Ленин таълимоти, деди у, ғарбдаги тараққий этган мамлакатлар пролетариатининг ҳаётий манфаатларига ҳам, шарқдаги қолоқ мамлакатлар халқларининг ҳаётий манфаатларига ҳам тамомила муносибдир.

Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Морис Торез институтининг директори В. Жоаннес ўз нутқида Франция Коммунистик партияси Ленин таълимотига доим амал қилиб келаётганлигини таъкидлади.

Шундан кейин конференцияда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори Г. Вашнинг нутқи ўқиб берилди. Бу нутқ пролетариат диктатураси тўғрисидаги Ленин таълимотининг Венгрияда татбиқ этиш билан боғланган баъзи масалаларга бағишланди.

Словакия Компартияси Тарих институтининг директори В. Плева реакцион кучларнинг Чехословакияни социалистик лагердан ажратиб олиш, уни социализм қурилиши йўлидан четга чиқариш соҳасидаги уринишларига қарши Чехословакия Коммунистик партияси олиб бораётган кураш тўғрисида гапирди.

Марксистик тадқиқотлар институтининг директори, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Р. Шлейфштейн Германия коммунистлари ленинча концепцияларни ғоявий душманларнинг, яъни «революцион реформистлар», янги троцкийчилар, ўта сўлларнинг ҳужумларидан қандай ҳимоя қилаётганликлари тўғрисида гапирди.

Конференцияда Бельгия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси К. Ренар, ишчилар ҳаракатини ўрганиш институтининг катта илмий ходими С. Стоянович (Югославия коммунистлар союзи), Болгария Фанлар академияси фалсафа институтининг катта илмий ходими М. Марков, Португалия Компартиясининг вакили Антонио, Италия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Грамши институтининг директори Ф. Ферри ва Канада Компартияси Ижроия Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Б. Магнусон нутқ сўзладилар.

1896 йилдан КПСС аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Н. Петров конференция қатнашчиларини табриклади.

Конференциянинг охирида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори академик П. Н. Федосеев сўзга чиқди, У «Ленин революциянинг ҳаракатга келтирувчи кучлари тўғрисида» деган мавзуда доклад қилди.

Шу билан В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган халқаро назарий конференция тамом бўлди.

Конференция қатнашчиларига «Барҳаёт Ленин» ҳужжатли кинофильми кўрсатилди.

Бу икки йилов баҳодири — Конимех районидаги «Коммунизм» совхозининг бош чўпонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Умрзоқ Аймеков (ўнгда) ва Уролбой Мамбетовлар республикамизда чорвачиликни юксалтириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун олиб борилаётган курашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бухоро областидаги «Шофирон» совхози коллективининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Аймеков ва Мамбетов ўртоқлар бу йил қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ва ўз бақимларидаги совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 200 тадан соғлом қўзи олиш ҳақида сўз беришди.

Н. Лазарев фотоси.

КАСБ ГАШТИ

КАСБИМИЗ чорвадор, етиштираётган маҳсулотимиз сут ва гўшт. Сигирларнинг зотини яхшилаш, туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш йўли билан шу маҳсулотлар мўл-кўллигини бунёдга келтирямиз. Сўзимизнинг исботи учун мисоллар келтирамиз.

Фермамизда 400 бошга яқин сигир бор. Ҳар йили 100 бош сигир ҳисобига 103-105 тадан бузоқ оляпмиз. Урғочиларини наслга қолдиряпмиз, эркак бузоқларни гўштга боқяпмиз. Чорва моллар туёғини кўпайтириш планини бозордан мол сотиб олиш ҳисобига эмас, фермамизда олинаётган қўл бола бузоқлар ҳисобига бажаряпмиз. Чорва молларнинг наслини чатиштириш йўли билан яхшилаб борямиз. Бу эса маҳсулдорликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатяпти.

1960 йилда сигирларимизнинг ярмидан кўпроғи жайдари эди. Шу важдан ҳар бош сигирдан 1800 литр атрофида сут олинди. Эндиликда сигирларимизнинг ҳаммаси зотдор. Шунинг учун ҳам ҳар биридан ўртача 3 минг литрдан сут соғиб оляпмиз, Илғор сигир соғувчиларимиз ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдорини 4.200 литрга етказди. Бунда сигирлар зотининг яхшиланишидан ташқари, одамларнинг чорвачиликка бўлган муносабати ўзгарганлиги ҳам катта роль ўйнади. Улар чорвачиликка меҳр қўйдилар. 10-синфни битирган қизларнинг, армия хизматидан қайтган йигитларнинг группа-группа бўлиб чорва фермаларига ишга келиши, коммунистларнинг чорвачиликни тараққий эттиришда авангардлик ролини ўйнашлари бунинг гувоҳидир.

Бултур фермамиз бўйича 725 тонна сут етиштирилди. Шундан 558 тоннасини давлатга сотдик. Қолгани хўжалигимизнинг ички эҳтиёжига кетди. Давлатга 67 тонна бўрдоқи гўшти етказиб бердик. Колхоз дўконлари орқали халқимизга 10 тонна гўшт сотилди. Хулоса шуки, оз сонли ферма коллективининг фидокорона меҳнати туфайли давлатга чорва маҳсулотлари етказиб бериш планлари ошириб бажарилятли, колхозчиларимизнинг бу маҳсулотларга бўлган талаби тўла қондирилятли.

1970 йилнинг дастлабки икки ойи ўтяпти. Шу даврда соғин сигирлар қаторига яна 20 бош сигир қўшилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 100 литр кўпайди. Қиш фасли бўлишига қарамай, ҳар бош сигирдан кунига 8-10 литрдан, айрим сигирлардан 15 литргача сут соғиб олинятли. Давлатга сут сотиш биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Эргашой Болтаева, Моҳира Жалилова. Мўмина Зоирова каби сигир соғувчилар ўз боқимидаги сигирларни яхши парваришлаб, улардан тобора кўпроқ сут соғиб олаётирлар.

Бундай муваффақиятнинг сири» нимада? Яхши чорва биноларига эгамиз. Фермадаги оғир ишларни механизациялаштирганмиз. Сигирларни агрегатлар воситасида соғамиз. Мустаҳкам ем-хашак базасига эгамиз. Бир мисол. Бултур пландаги 3 минг тонна ўрнига 4200 тонна силос бостирган эдик. Шу кунларда ҳам ҳар бир сигирга 30 килограммгача силос беряпмиз. Минг тонна беда пичани жамғарган эдик, шундан ярими турибди. Қиш учун жамғарилган пичан, концентрат озиқ етиб ортяпти.

1970 йил — юбилей йили. Ким зиммасига қандай мажбурият олган бўлса, сўзсиз бажариши керак. Бу — доҳий Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб тухфа бўлади. Биз колхозимиз бўйича ҳар бош сигирдан олинадиган сутни ўртача 3.200 литрга етказамиз, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини камида 400 килограммга етказиб гўштга сотамиз. Доҳиймизнинг катта тўйига тўёнамиз шу бўлади.

Қурултой қатнашчиларига колхозимиз аъзолари номидан оташин салом йўллаймиз, уларга чорвачиликни янада юксалтиришда катта ғалабалар тилаймиз.

Ҳ. НОРПУЛАТОВ,
Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхози сут-товар фермасининг мудири.

Г. ҒАФФОРОВА,
Ферма сут соғувчиси.

МИРЗАЧЎЛ ДУРДОНАСИ

Чўлқуварларимиз бултур кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Сел. дўл, қатқалоқ, ҳашарот каби табиий офатлар ҳамманинг тинкасини қуритди. Бунинг устига, иссиқлик ҳарорати етишмай, пахта кечки бўлиб қолди. Ҳосилнинг тақдирини ҳал қиладиган восита — машиналардан самарали фойдаланиш имкони бўлмай, терим чўзилиб кетди. Шунга қарамай, 6 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнер атрофида чўл пахтаси етиштирдик. Эътироф этиш керак, хўжалик йилининг якунидан кўнглимиз тўлмади.

Бу йил режани бошқача олдик. Бултурги иш якунини муҳокама қилиб, янги тадбирлар белгиладик, энг муҳими — юбилей йилида пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 25 центнерга етказишга аҳд қилдик.

Дастлабки йилларда ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик қилаётган бўлимлар, бригадаларда ҳосилдорликни 35-36 центнерга, ўрта босқичда ўзлаштирилган майдонларда 28-30 центнерга кўтарамиз. Совхоз даражасидаги ҳосилдан ҳам хирмон кўтарадиган бўлим ва бригада бўлмаслигига ҳаракат қиламиз. Бу сўнгги босқичда ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик қилаётган пахтакорларга даҳли бор гаплардир.

Халқимизда «ҳолва деган билан оғиз чучимайди» деган нақл бор. Янги план, режа белгилаш осон. Уни амалга ошириш қийин. Шунинг учун биз юбилей йили марасини белгилашда ички имкониятларимизни тўла ҳисобга олдик. Йўлнинг қийини, меҳнатнинг оғирини танладик. Бўлар нималардан иборат?

Йил нечоғли оғир келишига қарамай, Раймжон Муҳаммедов бош бўлган бўлим ишчилари бултур 900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштирди. Нормамат Абдуллаев, Суннат Расуловлар бошлиқ бўлимларда ҳам ҳосил чўғи шундай бўлди. Қолоқ бўлимга ўтиб ишлаган кўпчилик бўлим бошқарувчилари бир йилда ҳосилдорликни гектар бошига 5—6 центнер кўтарди. Бундан кўриниб турибдики, совхозимизда ҳосилдорликни кўтариш учун ҳамма имкониятлар бор. Қолоқ бўлимларни илғор бўлимлар даражасига етказиш билан ялпи пахта миқдорини 1800-2000 тонна кўпайтириш мумкин. Активларимиз буни эътироф этди ва халқимизни шу йўлдан олга бошлашга аҳд қилди.

Республикада хизмат кўрсатган механизаторлар Инобат Охунова ва Қувондиқ Абдураззоқов бригадаларида ҳосилдорлик 34-35 центнерга етди, энг юқори сорт, таннархи арзон пахтани ҳам шу бригадалар етиштирди. Бунинг сири бор. Бу бригадаларнинг ерлари машинабоп қилиб карталарга бўлинган. Бундан ташқари, тупроқнинг таркиби ўрганиб чиқилган, қайси картага қайси хил ўғитдан қанча сарфлаш кераклиги маълум. Шу сабабли пахтакорлар ерга ўғитни тупроқнинг талабига қараб берадилар, нормадан ортиқ ўғит солиб, ғўзани ғовлатиб юбормайдилар ёки кам солиб калта бўй, камҳосилли қилиб қўймайдилар. Аслида ишни илмий асосда ташкил этиш дегани ҳам шу .

Бу бригадаларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштирямиз. Семинар ўткалдик. И Охунова ва Қ. Абдураззоқов ўртоқлар ўзларининг экинни озиқлантириш, ўғитнинг ҳар килограммидан ишнинг кўзини билиб фойдаланишдаги тажрибасини сўзлаб берди. Кўп баҳслашув, тортишувлар бўлди. Чўлқуварлар қимматли фикрларни ўртага ташладилар, мутахассисларнинг шаънига қаттиқ гаплар айтилди. Ҳаммасини ҳисобга олиб, 1970 йилда пахта майдонларини табақалаштирган ҳолда ўғитлаш тадбирларини ишлаб чиқдик ва амалга оширяпмиз.

Сафар Маликов бошқарувчилик қилаётган бўлимда ҳосилдорлик турлича бўлди, гоҳ нўтарилди, гоҳ пасайди. Бултур эса 29 ярим центнер бўлди. Бунинг сабабини ўргандик. Сизот сув юза жойлашганлиги учун нормадан ортиқча берилган азот ўғити тез эриб, ғўзани ғовлатиб юборди, тана, ҳосил шоҳлари бақувват, барг кўмкўк бўлди-ю, ўсимлик кутилганча ҳосил тўпламади, тўпланганининг етилиши ҳам кечикди. Ёки бошқа мисол. Нормадан кам азот солинган пайкалларда экиннинг бўйи паст, ҳосили кам бўлди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳамма хил ўғитни сизот сув қочирилгандан кейин, шўр ювилиб бўлингач, тупроқ донадор ҳолга келтирилгач қатъий белгиланган норма билан ерга солиш керак. Биз энди мана шу йўлдан борамиз.

Ҳозир колхозлар, совхозлар жуда йириклашиб кетди, пахта майдони катта, у тағин кенгайтирилятли. Бундай шароитда техникага таянмай туриб ҳосилдорликни кўтариб бўлмайди. Чўл шароитида бу айниқса муҳимдир. Ҳисобкитоблар шуни кўрсатдики, бизнинг шароитимизда баҳорда чигит экиш беш кун кечикса, кузда теримни бошлаш роса 12—13 кун кейинга сурилиб кетади. Чунки тупроқ қатламидаги фойдали ҳарорат кам бўлади. Ўсимлик қуёшдан керагича иссиқлик ололмайди. Шунинг учун чигитни ложи борича эртароқ ва қисқа вақтда сифатли қилиб экиб олиш керак. Бунинг учун ердан тортиб уруғлик чигиттача, техникадан тортиб механизаторгача — ҳамма нарса кўклам экин кампаниясига ҳозир шай бўлиши керак.

Совхозимизда бу соҳада ҳам анча ишлар қилинди. Устахонада ремонтчилар ишини икки сменага кўчирдик, зарур эҳтиёт қисмларни вақтида етказиб бердик, механизаторларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитни яратдик. Натижада ремонт ишлари бултургидан анча олдин тамомланди, 60 ҳайдов, 110 чопиқ трактори ремонт қилинди. Чигитни қисқа фурсатда экишимиз учун 70 та сеялка кифоя қиладиган. Биз 87 сеялка тайёрлаб қўйдик. Ер текислайдиган, марза оладиган, ерга ўғит соладиган, ҳашаротга қарши дори сепиладиган агрегатларни ҳам тахт қилиб бўлдик. Ишчилардан катта группасини курсларда ўқитдик.

Хуллас, совхозимиз коллективи ён қўшнимиз Ленин номли совхоз коллективининг чақириғига жавобан кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ишларини тугалладилар, тупроқ етарли даражада қизиши билан чигит экишни бошлаймиз ва бу ишни узоғи билан бир ҳафтада тугаллаймиз. 6000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта хирмони кўтариб, доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига муносиб чўлқуварлар совғаси тайёрлаймиз.

С. УСМОНОВ,
Сирдарё областидаги Титов номли 6-совхоз директори.

ОЛҚИШУ САЛОМ БЎЛСИН

Сизни, азиз қардошлар, дўсту меҳмонларимиз,
Ўзбекча таъзим билан қутлаймиз сидқи-дилдан.
Пахтакорлар даврасн сизлар билан ободдир,
Раҳмат—ташаккур бўлсин меҳнатсевар бу элдан.
Пахтакор ўзбекларимиз, ўлкамиз жамолидай
Яна кўркам нўринар даламизнинг чиройи,
Қадимий қаҳроларда чамазорлар гул тутар,
Мақтайверсанг арзийди, шу меҳнатнинг киройи.
Сени жаҳон билади, сайёҳларнинг тилида
Хоразмдай достонсан оппоқ олтининг билан.
Туташ дарёларингда қайнар булоқ нафаси,
Инсонни улуғладинг порлоқ олтининг билан.
Қашқадарё довруги, Бухоро обрўсидан
Мазмунга тўлиб борар юртнинг ҳар кун, ҳар дами.
Сурхондарё фарзанди, Самарқанд мардларидай,
Сирдарёда Назира, Мамажонлар қадами,
Шоймардон Қудратовлар мамлакатнинг фахридир,
Тошкентлик турсунойлар машинага парвона.
Минг-минг йигит-қизлари довруғ топган диёрим,
Қанчалар ардоқлисан, гўё улуғвор она.
Азамат Ўзбекистон боғу-роғларинг гўзал,
Зайниддин лимончининг қўллари ўзи гулдир.
Чаманларга чиқанда кўнгил хушнуд бўлади,
Хушхонлар куйлайберса, келиб қолгандай булбул.
Машина қанот бўлиб оқиўргон қилди парвоз.
«Ўзбекистон» марказ каттакон қувват бўлди.
Тошкентнинг воҳасига, Андижон, Наманганга,
Фарғона ерларига меҳнат баҳори келди.
Буюк ота Ленининг юз ёшига армуғон,
Бу ўзбек пахтасидир, бу ҳам шараф ва шондир.
Ипак толаларингнинг таъриф Москвада,
Навоий ватанида узоқ-яқин меҳмондир.
Ерни севганга балли, матонат бардош билан—
Олимлар чигитидан ҳосил ўстирган деҳқон.
Қорақалпоқ эллари ғайратда, меҳнатдадир,
Партиямиз ҳар ишга ота каби меҳрибон.
Пахтакор боғбон каби, боғбон каби пахтакор,
Яйловда чўпонимиз, чорвада ҳам кўркамсан.
Сут соғувчи қизларнинг юзлари қирмизи анор,
Саноат кони бўлган мардонавор ўлкамсан.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ЛЕНИНГА САДОҚАТ РАМЗИ

В. И. Ленин Улуғ Октябрь тонгидаёқ «Биз келажак партиясимиз, келажак эса ёшлар қўлидадир. Биз новаторлар партиясимиз, ёшлар эса доимо иштиёқ билан новаторларга эргашиб борадилар» деган эди. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди.

ВЛКСМнинг ажралмас қисми бўлган, мамлакатимиз комсомолларининг шонли анъаналарини давом эттириб келаётган Ўзбекистон ва Туркманистон комсомоллари катта воқеа—ўзларининг навбатдаги съездлари арафасида турибдилар. Кеча эса Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи комсомолларининг XVIII конференцияси очилди.

Ана шу воқеага бағишлаб, «Ёш ленинчи», «Фрунзевец», «Комсомолец Узбекистана», «Яш коммунист» ва «Комсомолец Туркменистана» газеталари махсус қўшма сон чиқардилар. Бу қўшма сонда туркистонлик жангчилар, қардош республикалар ёшлари доҳий васиятларини қандай бажараётганликлари, маҳаллий ва армия ёшларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги, шонли комсомол ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берилди.

Чўпонлик мураккаб, айни вақтда шарафли касб. Унинг ўзига яраша қийинчиликлари ва ҳузури бор. Чўпон йилов кезиб, ҳориб-чарчаб қўй боқади, дам олиш пайтида эса дўмбирасини қўлига олиб чорвасини, юртини, элини куйлайди. Суратда: яйловда дам олиш пайти.

А. УСМОНОВ фотоси.
(ЎзТАГ. фотохроникаси).

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● РЕСПУБЛИКАМИЗ колхоз ва совхозлари пахта етиштириш бўйича беш йилликнинг тўрт йилига белгиланган плани ошириб бажардилар. Ўтган тўрт йилда давлатга 16 миллион тонна пахта етказиб берилди. Бу, халқ хўжалиги планида белгиланганидан 551 минг тонна кўпдир.

● ЎЗБЕКИСТОНДА 1961-1965 йиллар мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда 3 миллион 484 минг тоннадан пахта етиштирилган бўлса, 1966-1969 йиллар мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда 4 миллион тоннадан пахта етиштирилди.

● КЕЙИНГИ тўрт йил мобайнида республикада сабзавот етиштириш 48 процент, полиз экинлари маҳсулоти — 83,5 процент, гўшт 11,7 процент, сут — 32,7 процент, тухум — 24,1 процент ва пилла 16,5 процент кўпайди.

● ЎЗБЕКИСТОН ҳозирги вақтда мамлакатда етиштирилаётган пахтанинг қарийб 70 процентини, каноп поясининг 100 процентини, шолининг 26 процентини, пилланинг 50 процентга яқинини бермоқда.

● РЕСПУБЛИКАМИЗ қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамланди, дала ишларини механизациялаш даражаси беқиёс ошди, деҳқончилик маданияти юксалди. Ҳозир Ўзбекистон колхоз ва совхозларида 150 мингдан ортиқ тракторлар, 30 мингдан ортиқ пахта териш машиналари, жуда кўп бошқа хил қишлоқ хўжалик машина ҳамда асбоблари мавжуд.

ЮКСАК МУКОФОТГА НОМЗОДЛАР

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетидан

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети қўйидаги асарлар 1970 йил Ленин мукофотларини олиш конкурсига қатнашишга қўйилганлигини хабар қилади:

1. Асарис Г. К.—архитектор, Буковский Л. В.—ҳайкалтарош, марҳум Закаменний О. Н.—архитектор, Заринь Я. П.—ҳайкалтарош, Остенберг О. И.—архитектор, Скарайнис О. Ю. — ҳайкалтарош, Страутманис И. А. — архитектор. **Саласпилседа фашист террори қурбонлари ёдгорлиги обида ансамбли.**

СССР Рассомлар союзи, Латвия ССР Маданият министрлиги, Латвия Рассомлар союзи, Латвия Архитекторлар союзи, Латвия Ёзувчилар союзи, Латвия ССР Фанлар академияси, уруш ветеранлари совет комитети, Ленин орденли Рига давлат ВЭФ электротехника заводи, уруш ветеранлари совет комитетининг Рига секцияси томонидан тақдим этилган.

2. Васнецов Ю. А. **«Ладушки» ва «Радуга-Дуга» («Камалак-ёй») болалар китобларига чизган суратлари учун.**

ВЛКСМ Марказий Комитети, РСФСР Рассомлар союзининг Ленинград ташкилоти, «Детская литература» нашриёти, «Мурзилка» журнали редакцион коллегияси томонидан тақдим этилган.

3. Вучетич Е. В.— ҳайкалтарош, авторлар коллективининг раҳбари, лойиҳа автори, Белопольский Я. Б. — архитектор, лойиҳа автори, Демен В. А. — архитектор, Матросов В. Е.— Новиков А. С. Тюренков А. А. —ҳайкалтарошлар — авторлар коллективининг қатнашчилари: **Волгоградда Сталинград жанги қаҳрамонларининг ёдгорлик ансамбли.**

СССР Рассомлар союзи, СССР бадиий академияси, РСФСР Рассомлар союзи, КПСС Волгоград область комитети ва Волгоград область ижроия комитети томонидан тақдим этилган.

4. Градов Ю. М., Занькович В. П., Лёвин Л. М.—архитекторлар. Селеханов С. И.—ҳайкалтарош. **«Хатинь» обида комплекси.**

Белоруссия ССР Маданият министрлиги, Белоруссия ЛКСМ Марказий Комитети, Белоруссия Архитекторлар союзи, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Молодой коммунист» журнали томонидан тақдим этилган.

5. Григорович Ю. Н.—балетмейстер, Вирсаладзе С. Б.—рассом, Раждественский Г. Н —дирижёр, Васильев В. В.—Спартак ролининг ижрочиси, Лиепа М. Э.—Красс ролининг ижрочиси. СССР Иттифоқи давлат катта академик театрида **«Спартак» балети.**

Умумроссия театр жамияти, маданият ходимлари касаба союзи марказий комитети, Москвадаги «Коммунар» машинасозлик заводи томонидан тақдим этилган.

6. Марҳум Ғафур Ғулом. **«Якун», «Шеърлар» китоблари.**

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи томонидан тақдим этилган.

7. Дзиган Е. Л.—режиссёр, Темерин А. С.—оператор, «Мосфильм» киностудияси ишлаб чиқарган **«Темир оқим» бадиий фильми.**

КПСС Краснодар ўлка комитети ва Краснодар ўлка ижроия комитети, А. С. Серафимович номли музей томонидан тақдим этилган.

8. Зикина Л. Г. **«Совет композиторларининг қўшиқлари».** «Сенга бу, аёл!» (Совет ҳокиятининг 50 йиллигига). **«Қадимий рус халқ қўшиқлари» концерт программалари.**

Н. Осипов номли давлат рус халқ оркестри томонидан тақдим этилган.

9. Карасик Ю. Ю.—режиссёр, Суслов М. П.—оператор, Каюров Ю. И.—В. И. Ленин ролининг ижрочиси. «Мосфильм» киностудияси ишлаб чиқарган **«Олтинчи июль» бадиий фильми.**

СССР Кинематографчилар союзи, маданият ходимлари касаба союз Марказий Комитети, СССР Олий суди, СССР прокуратурасининг Бутуниттифоқ институти, СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси. «Мосфильм» киностудияси, Латвия Ёзувчилар союзи, Ульяновск область радиоэшиттириш ва телевидение комитети, А. И. Ефремов номли Москва «Красний пролетарий» станоксозлик заводи, лейтенант Шмидт номли Боку машинасозлик заводи, Владимир Ильич номли Янги-Боку нефтни қайта ишлаш заводи, Октябрь 40 йиллиги номли Балашихин машинасозлик заводи.

10. Кербобоев Б. М. **«Мўъжиза билан туғилган» роман.**

Туркманистон Ёзувчилар союзи томонидан тақдим этилган.

11. Коржев-Чувелев Г. М. **«Уруш оташида тобланганлар» («Эски жароҳат», «Тўсиқ», «Кузатиш», «Уруш изларн», «Она») туркумидаги тасвирий асарлари.**

РСФСР Рассомлар союзи Москва ташкилоти томонидан тақдим этилган.

12. Мележ И. П. **«Ботқоқдаги кишилар», «Момақалдироқ нафаси» дилогияси.**

Белоруссия Ёзувчилар союзи томонидан тақдим қилинган.

13. Михалков С. В. **«Стёпа амаки» (1-қисми—«Стёпа амаки» 2-қисми—«Стёпа амаки—милиционер», 3-қисми—«Стёпа амаки билан Егорь» трилогияси»).**

РСФСР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети, РСФСР Ёзувчилар союзи «Детская литература» нашриёти, «Детская литература» журналининг редакцион коллегияси томонидан тақдим этилган.

14. Марҳум Таманян А. И., Аревшатян В. А., Григорьян М. В., Паремузова Н. Ф., Сарапян Э. А., марҳум Сафарян С. А., Таманян Г. А.,—архитекторлар. **Ереваннинг Ленин майдонидаги архитектура ансамбли.**

Арманистон ССР Госстройи, Арманистон Архитекторлар союзи томонидан тақдим этилган.

15. Тихонов Н. С. **«Олти колонна» китоби.**

СССР Ёзувчилар союзи, РСФСР Ёзувчилар союзи «Знамя» журнали редколлегияси томонидан тақдим этилган.

16. Тулегенова Б. А. **1967—1968 йиллардаги концерт программалари: Қозоғистон композиторларининг асарлари туркуми ва қозоқ халқ қўшиқлари.**

Қозоғистон ССР Маданият министрлиги томонидан тақдим этилган.

17. Ҳинт Ааду. **«Шамоллар соҳили» роман (тўрт китобдан иборат).**

Эстония Ёзувчилар союзи томонидан тақдим этилган.

18. Чийков С. А. **«Оға-иниларимиз» суратлари туркуми: «Калькутталик студент қиз», «Ҳаммолнинг боши», «Мадораслик аёл. Мустамлака ўтмиши», «Гулфуруш жажжи қиз», «Оқшомда Бомбай соҳилида», «Йўлда», «Ёш ҳаммол», «Жайпурлик фаррош аёл», «Ҳималай», «Пойафзал тозаловчи», «Триптих», «Ҳиндистоннинг оддий кишилари тўғрисида» («Оқшомги ўйлар», «Ҳаммолнинг кўшиғи», «Сокин кунлар»). «Қора Мадонна», «Ҳиндистон тўғрисидаги хотиралар», «Триптих», «Улар яшашни ҳоҳлайдилар» («Она», «Мустақил Ҳиндистон», «Эркинлик қўшиғи»).**

СССР Рассомлар союзи, СССР бадиий академияси, РСФСР Рассомлар союзининг Москва ташкилоти томонидан тақдим этилган.

19. Эрнесакс Г. Г. 1967—1968 ва 1968—1969 йилги концерт **программалари.**

Эстония Компартияси Марказий Комитети ва Эстония ССР Министрлар Совети, Эстония ССР Маданият министрлиги Эстония Композиторлар союзи томонидан тақдим этилган.

* * *

Ленин мукофоти учун номзоди кўрсатилган асарлар билан кенг таништириш мақсадида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитети радио ва телевидение марказлари бўйича эшиттиришлар уюштиради, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография комитети эса тақдим этилган фильмларни мамлакатнинг шаҳарларида намойиш қилиб кўрсатади. Тасвирий санъат асарлари махсус виставкада кўрсатилади, бу виставканинг очилиши алоҳида эълон қилинади.

Тақдим этилган асарларнинг матбуот органларида ва кенг жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама қилиниши Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетига катта ёрдам бўлади. Ленин мукофотларига номзоди кўрсатилган асарларни муҳокама қилишда ижодий жамоат ташкилотлари, маданият муассасалари ва меҳнаткашларнинг коллективлари қатнашса, улар матбуот саҳифаларида ўз фикрларини, таклифларини ва мулоҳазаларини изҳор этишса ёки комитетга мактуб юборишса, комитет уларга ташаккур изҳор этади. (Адрес: Москва, Марказ, ГСП-2, Неглинная кўчаси, уй № 15).

ИЛҒОР ТАЖРИБАГА — КЕНГ ЙЎЛ

Ўрта Осиё машина синаш станциясининг «Малик» тажриба намуна хўжалиги пахтачилик учун ғоят оғир келган ўтган йилни ҳам муваффақиятли якунлади. 2125 гектар майдонда пландаги 5735 тонна ўрнига 6305 тонна «оқ олтин» етиштирди. Давлат пахта тайёрлаш планини 109 процент бажарди. Ялпи ҳосилнинг 95,5 процента машиналарда териб олинди. Ушбу саҳифада совхознинг чигитни кенг қаторлаб экиш, пахтадан юқори ҳосил олиш, дала ишларини комплекс механизациялаштдаги тажрибалари ҳикоя қилинади.

„МАЛИК“ НАМУНАСИ

Совхозда кўнламга тайёргарлик қизғин. Суратда: илғор ремонтчилардан Алиддин Юнусов иш сифатини кўздан кечирмоқда.

КЕНГ ҚАТОРДА ҲИКМАТ КЎП

Совхозимизда пахтачиликни комплекс механизациялаш, химиялаштиришни тарғибот қилишга ҳожат қолмади. Биз бу босқични аллақачон ўтиб бўлганмиз. Эндиликда бу соҳада тўплаган бой тажрибани умумлаштириш, янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга жорий этиш устида талай ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми қарорида бундай дейилган: «Чигит кенг қаторлаб экиладиган майдонлар келгуси беш йилликкинг охирига бориб, тахминан 800 минг гектарга етказилсин, қўриқ ерларда эса пахтанинг ҳаммаси, қонда тариқасида, фақат шу усулда етиштирилсин». Биз бутун фаолиятимизда партия Марказий Комитети пленумининг ана шу кўрсатмасига амал қиламиз. 90Х20 сантиметрли схемада чигит экишнинг афзалликлари нимада?

Биринчи, кенг қаторлаб чигит экилган ҳар гектар майдонда 110 минг туп ниҳол ундириб олинади. Ғўзанинг ўсиш, ривожланиш даврида ўртача 8-10 минг туп кўчат турли сабабларга кўра нобуд бўлганда ҳам пахта йиғим-теримни бошланадиган кезда ҳар гектар майдонда камида 100 минг туп кўчат қолади. Бу мўлжалдаги ҳосилни олишга мустаҳкам замин яратилди, деган сўз.

Иккинчи, кенг қаторлар тракторлар тезлигини максимал даражада ошириш имконини беради. Натижада меҳнат унумдорлиги ошади. Бошқача қилиб айтганда, бир кунда икки кунлик ишни бажариш мумкин бўлади.

Учинчи, кенг қаторларда ўсган ғўзалар ёруғлик, қуёш нури ва ҳаводан яхши баҳра олади, бўйи, ҳосил шохлари, ҳосилдорлиги бир хил бўлади. Ғўза ғовлаб кетмайди, машина теримига мос бўлиб ўсади. «Зангори кема»ларнинг иш унуми кескин ортади.

Тўртинчи, кенг қаторлардаги ғўзалар вилт касаллигига кам чалинади. Чунки ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш пайтларидаёқ ер яхши юмшайди, ўсимликнинг илдиз системаси ўнча тараққий этмаганлиги ва ёйилиб кетмаганлиги туфайли культиваторнинг ишчи органлари билан кесилиб кетмайди. Ғўза авжи ривожланиш палласига келганда эса культиваторнинг иш органларини бир оз қисқартириш мумкин.

Бешинчи, экин майдонларининг микрорельефи суғоришга мутлақо таъсир қилмайди. Эгатлар чуқур олиниши туфайли барча майдон ва қатордаги ғўза тупи бир текисда қониб сув ичади. Сув тежаб қолинади, исроф бўлишига йўл қўйилмайди. Белгиланган суғориш ўз вақтида сифатли қилиб тугалланади.

Биз 1959 йилда 60 гектар майдонга қатор ораларини бир метр қилиб чигит экиб кўрдик. Йилнинг якуни бу усул бизга мос келмаслигини кўрсатди. Сабаби, анчагина экин ери пўстимбаги чиқиб кетди. Ундан ташқари техника йўқ эди. 1960 йилдан бошлаб бир нечта трактор, сеялка, ва культиватор қатор ораларини 90 сантиметр бўлган далаларда ишлатишга мосланди ва шу асосда тажриба ўтказилди. **Якун қувончли бўлди. 90х20 сантиметрли майдонлардан бошқа участкаларга нисбатан 4-5 центнер кўп ҳосил олинди. Шундан сўнг бу усулда чигит экиладиган майдонлар кенгайтирб борилди. Бироқ кенг қатор орасини ишлайдиган техника воситалари камлиги туфайли анча қийинчиликларга дуч келдик. Ҳозир бундай техника воситалари кўп ва тобора ортиб бораётир. Шу сабабли кенг қаторлаб чигит экишга қўрқмасдан ўтавериш керак. Кузатиш ва тажрибалар шуни кўрсатдики, чигитни 90х20 схемали кенг қаторлаб экишга кўчилганда гектар тўла бўлади, кўчат соғлом ўсади, вақтдан ютилади, кўплаб ишчи кучи ва маблағ тежаб қолинади.**

Ҳосил тупдан олинади. Ҳақиқатан ҳам кўчат сони тўла бўлса, ҳосил юқори бўлади, кам бўлса, ҳосилдан ютқазилади. 90х20 сантиметрли схема билан чигит экишнинг серсамара томони шундаки, ҳар уяда ўртача иккитадан, бир гектарда эса 110 минг туп ниҳол ўсади.

Кенг қаторлаб чигит экилган далаларда ғўза, сўзсиз, машина теримибоп бўлиб ўсади. «Малик»да ялпи ҳосилнинг энг кўп қисмини машиналарда териб олишни ва 1 центнер пахта етиштиришга энг кам меҳнат сарфлашни таъминлаётган асосий омиллардан бири ҳам чигитни кенг қаторлаб экиш бўляпти.

Янги усул ҳали қўлланилмай турибди. 1952 йилда 1 центнер пахта етиштириш учун 7,01 киши-куни сарфланган ва ялпи ҳосилнинг 6.15 процента машиналарда териб олинган бўлса, кенг қаторлаб чигит экиш жорий этилабориши билан бу кўрсаткичлар кескин яхшиланди. Буни қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин.

ХАЗИНАНИНГ ЯНА БИР КАЛИТИ

Экин айни бир далага сурункасига бир неча йиллаб экилавергач, у ернинг «илигини» сўриб, дармонини қуритади. Далада маданий экинлар ёнига бегона ўтлар қўшилдими, иш расво бўлаверади. Зудлик билан олди олинмаса, бундай далалар, тез орада, бериши мумкин бўлган маҳсулотни бермай қўяди ёки жуда кам беради.

Ҳозирги пайтда бундай хавфнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки юксак даражада ривожланган химия саноатимиз қишлоқ хўжалигига ҳар йили миллионлаб тонна минерал ўғит, бегона ўтларга, экинлар зараркунандалари ва касалликларига қарши ишлатиладиган химикатлар, ғўза баргини гўктирадиган ва қўсакларни тезроқ очилтирадиган дефолиант ҳамда десикантлар етказиб беряпти. Гап ана шу қимматли химиявий моддалардан ишнинг кўзини билиб, ер шароити, унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда расамади билан фойдаланишда қолди. «Ер ҳамир, ўғит хамиртуруш» дейишади деҳқонларимиз. Хамиртурушдан фойдаланиш новвойнинг усталигига боғлиқ бўлганидек, ўғитлардан фойдаланиш ҳам деҳқон ва агрономнинг билимдон, тажрибакорлигига боғлиқ.

Тўпланган бой тажриба илмий жиҳатдан асосланган тавсия билан қўшиб олиб борилса, қўлга киритиладиган самаралар янада салмоқли бўлаверади. «Малик» тажриба-намуна хўжалигида минерал ўғитлар ва бошқа химиявий воситалардан янада самарали фойдаланиш учун тупроқ карталари ва агрохимия картограммалар асосида иш олиб борилди. Хўжаликнинг 3476 гектар ҳайдаладиган майдони бор. У 130 картага бўлинган. Ҳар бир картанинг аҳволи — «семиз» ёки «ориқ»лиги агрохимия картограммасида ўз аксини топган. Йил бўйи далада иш олиб борадиган агрохимия лабораторияси ходимлари тупроқ картаси ва агрохимия картограммасига зарур ўзгартишлар киритиб борадилар. Олинган минерал ўғитларни карталар бўйича таксимлаш ана шу ўзгартишларга қараб эмалга оширилади.

«Малик» тажриба-намуна хўжалиги ҳар йили давлатдан ўрта ҳисобда 2400-2500 тонна фосфорли, 1500-1600 тонна азотли ўғит олади. Йил давомида хар гектар ерга 900-1000 килограмм суперфосфат, 500-600 килограмм азотли ўғит солинади. Йиллик нормадаги фосфорли ўғитнинг 60 процентини кузги шудгорлаш олдидан, қолган 40 процентини чигит экиш билан бирга ва биринчи ҳамда иккинчи озиқлантириш пайтида ерга солиш одат тусига кирган. Фосфорли ўғитлар секин парчаланади. Улар қиши билан ернинг ҳайдов қатламини хамирдек ошириб қупчитади. Фосфорли ўғитлар экин, айниқса ғўза ҳосилдорлигини оширишда ҳозирча энг самарадор ўғитлардандир. Хўжаликда бу ўғитлар ерга шундай ҳисоб билан солинадики, ғўза яхшироқ илдиз отиб шоналай бошлагандан то ҳосили пишиб етилгунча фосфорли ўғитдан зориқмайди. Бақувват ва серҳосил бўлиб ўсади.

Азотли ўғитларнинг ҳоссалари бошқача. Улар тез парчаланади, ўсимликка тез сингади. Бу ўғитлар ғўзани ҳосилга ўтказишдан кўра кўпроқ ўстиради. Шунинг учун ҳам ғўза ёпасига ҳосилга кира бошлагунча унинг бўйини ўстириб олиш мақсадида азотли ўғитларнинг асосий қисми ерга чигит экиш билан бирга ва биринчи озиқлантириш даврида солинади...

«Малик»да минерал ўғитлардан фойдаланишнинг тартиби ана шундай. Хўжаликда маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда ҳар йили далаларга 15-20 минг тонна атрофида чириган ғўнг чиқариб солинади. Маҳаллий ўғит асосан донадорлиги ва унумдорлиги пасая бошлаган майдонларга берилади.

Хўжалик пахтакорлари кенг қаторлаб чигит экишни бегона ўтларнинг кушандаси — гербицидлардан фойдаланиш билан омихталаб юбордилар. Бу ерда «Катаран» деган гербициддан фойдаланиляпти. Ернинг физик ҳамда химиявий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда «ПГС-2,6» агрегати ёрдамида ҳар гектар ерга 1,2-1,6 килограммгача «Катаран» сепилади. Гербицид чигит экилган катор устидаги 35-40 сантиметр миқтақага сепилади. Бу билан ғўза ўсиб олгунга қадар қаторларни бегона ўт босишидан сақлаш таъминланади. Қатор орасининг гербицид сепилмай қолган зонасида униб чиққан бегона ўтлар культиваторларнинг пичоқлари ёрдамида йўқ қилиб юборилади.

Бу ўринда ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш қай тариқа амалга оширилишини қайд қилиб ўтиш диққатга лойиқдир. Бегона ўтларнинг кўпчилиги деярли ғўза ниҳоллари билан кетма-кет ўсиб чиқади. Чигит экилган қаторларнинг устига гербицид сепилганлиги учун бу зонада ўт ўсмайди. Лекин қатор орасининг ишлов бериладиган зонасида ўсиб чиқади. Қатор ораларига биринчи ишлов бериш пайтидаёқ ёш ўтлар кириб ташланади. Бунинг учун ниҳоллар ўсиб турган қаторларнинг икки ёнидан 5 сантиметрдан ҳимоя зонаси қолдириб, қатор орасининг қолган 80 сантиметрига ишлов берилади. Бу билан қатор орасининг қарийб 90 процентига тўлиқ ишлов беришга эришиляпти. (чизмага қаранг).

Беш сантиметрли ҳимоя зонаси қолдирилганда ниҳоллар қирқилиб ёки тупроққа кўмилиб кетмайдими? Йўқ. Тажрибакор механизаторлар чигит экиш пайтида тракторнинг етакчи—олдинги ғилдираги ортидан унча чуқур бўлмаган эгат олиб кетишади. Ишлов бериш пайтида ҳам олдинги ғилдирак эски изидан юради.

«ЯШИЛ МЕЛИОРАТОР»

Хўжаликда ғўза ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллар маҳсулдорлиги йил сайин ортяпти. Бундай ижобий натижаларга олиб келаётган асосий омиллардан яна бири—**ғўза—беда алмашлаб экиш системасига ўтилганлигидир. Бу ерда алмашлаб экишнинг 9 далали системаси жорий этилган. Алмашлаб экиш системасида бедазорлар майдони тобора кенгайтириб бориляпти. Ҳозирги пайтда жами экин майдонининг 20 процентини бедозорлар ташкил этади.**

У ёки бу далада беда 3 йил ўстирилиб, шундан сўнг бошқа экин экиш учун мослаштириляпти. **Агротехника қоидалари асосида парваришланган беданинг ҳар гектаридан 3 йил мобайнида 120-125 центнерга етказиб ҳосил олиняпти. Ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 12-14 тоннагача азотга бой чириндн қоляпти. Бедадан сўнг чигит экилган далаларда пахта ҳосилдорлиги 35-40 центнерга етяпти.**

1969 йил кузги шудгорлаш пайтида 3 йиллик бедазорлардан 275 гектари пахтазорга айлантирилди. Худди шу далаларга яна беда экиш навбати келгунча орадан 6 йил вақт ўтади. Демак, структураси яхшиланиб, унумдорлиги ошган бу далаларда 6 йил мобайнида ғўза ўстирилади.

Ғўза—беда алмашлаб экиш системасининг жорий этилганлиги экин майдонлари унумдорлигини ошириб қолмай, жамоат чорвачилигини комплекс ривожлантириш, уни рентабелли соҳага айлантиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти.

Хўжаликда ҳар йили 1700 бош атрофида қорамол (шундан 550-568 боши сигир) боқилади. «Қора ола» зотли бу молларнинг ҳаммасига қўлдан емиш берилади. Ҳар йили май ойидан бошлаб то кеч кузаккача соғин сигирлар ва бўрдоқига боқилаётган моллар озуқа рационининг асосий қисмини «КИР-1,5» агрегатида ўриб майдаланган яшил беда массаси ташкил этади. Яшил беда тугаши билан моллар силос берила бошланади Шундай қилиб, жамоат чорваси бутун йил давомида сершира озуқа билан боқилади. Масалан, ўтган йил мобайнида молларга омихта ем, кунжара беда уни, хашаки лавлагидан ташқари 13.897 тонна яшил беда едирилди.

Хўжалик чорвадорлари ўтган йили гўштга топширилган ҳар бош сўқимнинг тирик вазнини ўрта ҳисобда 574 килограммга етказдилар. Ўртоқ П. И. Прусс бошлиқ бўрдоқичилик бригадасида бу кўрсаткич 600 килограммни ташкил этди. Бу Бутуниттифоқ миқёсидаги рекорд кўрсаткичдир! Давлатга 180 тонна ўрнига 237 тонна юқори семизликдаги гўшт етказиб берилди.

Сигир соғувчилар қўлга киритган ғалаба катта бўлди. 568 бош сигирнинг ҳар бошн ҳисобига 3401 литрдан сут соғиб олиниб, пландаги 1924,4 тонна ўрнига 1940,5 тонна сут тайёрланди.

Фақат буларгина эмас. Ер ости сувлари ер юзасига яқин жойлашган «Малик» шароитида беда «Яшил мелиоратор» сифатида ҳам катта аҳамият касб этяпти...

ШЎР БИЛАН КУРАШ

Хўжаликда 3 та пахтачилик бўлими бор. Отабой Қозоқов ҳамда Поша Багиров каби пахта усталари бошқарувчилик қилаётган 2 ва 3-бўлимларда ҳар гектар ердан муттасил 29-30 центнердан ошириб, ҳосил олиб келиняпти.

Бундан 2-3 йил муқаддам 1-бўлимда экин майдонларининг шўрланиши оқибатида ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Бўлимга катта тажриба эгаси, коммунист Тугмабой Қўзибоев бошқарувчи этиб тайинланди. Ташкилотчи раҳбар ўртоқ Т. Қўзибоев бутун билим ва тажрибасини ишга солди. Яқиндагина ҳар гектаридан 17-18 центнердан ҳосил олиб келган бу бўлим ҳам илғор бўлимлар сафига чиқиб олди.

Биринчи бўлим коллективининг ўтган йили қўлга киритган ғалабаси, айниқса, салмоқли бўлди. 684 гектар майдонинг ҳар гектаридан мўлжалдаги 22,9 ўрнига 26,6 центнердан ҳосил олинди. Ялпи ҳосилнинг қарийб 98 процента машиналар билан териб олинди.

Қатор йиллардан буён хўжалик бўйича барқарор ҳосил олинаётганлиги, 1-бўлимда эса ҳосилдорликнинг сезиларли даражада ошиб бораётганлигини таъминлаётган ғоят муҳим омиллардан яна бири—**экин майдонлари ирригация ва мелиоратив ҳолатининг тобора яхшиланаётганлигидир.** Хўжалигимизда 96 километр масофага чўзилган очиқ зовурлар ва юқори кучланишли электр қуввати ёрдамида сув чиқарадиган насосли 11 та вертикал зовур-қудуқ бор.

Ўтган қишнинг ниҳоятда совуқ келганлигидан тупроғи «ириб» кетган зовурларнинг рошлари кунлар исиши биланоқ, нураб, зовурларни лойқа босе бошлади. Олди олинмаса зовурларнинг фойдали иш коэффициенти кескин камайиб кетиши турган гап эди. Бу ҳол ҳаммани ташвишга солди. Шунинг учун ҳам хўжалик маъмурияти ва етакчи мутахассислар зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Қиш тугаши билан зовурларни тозалашга киришдик. Бу иш бутун ёз ва куз буйи давом эттирилди. 110 минг куб метр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Бундан ташқари бутун мавсум давомида ҳар бири секундига 45 литрдан 70 литргача сув чикарадиган вертикал дренаж-қудуқлар ишлаб турди. Ана шу йўллар билан ер ости шўр сувларининг зовурлар ва коллекторларга сизиб чиқиши таъминланди, уларнинг ер юзасига кўтарилишига чек қўйилди.

Булардан ташқари, хўжаликда шўр ювишнинг хоразмча—баланд поллар кўтариб, карталарни челларга бўлиб бостириб суғориш усули кенг қўлланилади. Пол олиш ва уни текислаш фақат механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Шўрни шу таҳлитда ювиш ҳар томонлама катта фойда беряпти. Мана бир мисол. Тугал Қўзибоев бошлиқ звено аъзолари 1968 йили ўртача 15 центнердан ҳосил берган эди. Ўтган йили звено аъзолари 18,8 ўрнига 26,6 центнердан пахта олдилар. Бир йилдаёқ пахта ҳосилдорлиги 11,6 центнерга ошди.

Кенг қаторлаб чигит экиш пахтачиликда қўлланилаётган техника ва пахта етиштириш технологиясини яқин йиллар ичида ўзгартириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Сўнгги 2-3 йилдан буён хўжалигимиз далаларида бир йўла 6 қаторга чигит экадиган сеялка, 6 қатор орасига ишлов берадиган культиватор ва 6 та қатордаги ғўзаларнинг пахтасини терадиган «25ХВ» терим машинаси синаб кўриляпти. Бу машиналарнинг келажаги порлоқ эканлигига шубҳа йўқ. 6 каторли сеялка ёрдамида кунига 20-25 гектар ерга чигит экиш, 6 каторли культиватор ёрдамида эса 15-18 гектар майдонга ишлов бериш, худди шундай терим машинаси билан бир кунда ҳеч қийналмай 25-30 тонна пахта териш мумкинлигини хўжалик механизаторлари амалда исботладилар. 1968 йили хўжаликнинг илғор сиповчи механизатори Казанфар Нуриев бир кунда 6 каторли машинада 45,5 тонна пахта териб, донгдор механизатор Жавод Кўчиев рекордини ярим тоннага оширганини келтириш кифоя.

Кенг қаторлаб чигит экилган майдонларда чопиқ трактори сифатида қувғати оширилган «Белорусь-МТЗ» маркали тракторлардан фойдаланиш зарурлигини тажриба исботлади. **Шу нарса аниқки, «Малик» тажриба-намуна хўжалиги яна икки йилдан сўнг қатор ораларига ишлов беришда батамом қуввати оширилган тракторлардан фойдалана бошлайди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжаллаб 80-100 от кучига эга бўлган резина ғилдиракли тракторлар қўлланила бошласа, улар ёрдамида ерга чигит экиш олдидан ишлов бериш имконияти ҳам туғилади. Озу-соз техника билан кўп иш бажарила бошланади, ўшанда меҳнат унумдорлиги, ҳозиргидан ҳам анча ортади, пахта таннархи тағин ҳам арзонлашади...**

Ўтган йилдан эътиборан совхозимизда пахтазорларни суғоришни ҳам комплекс механизациялашга киришилди. Мирзачўлнинг илғаридан суғорилиб келинаётган зонаси колхоз ва совхозларн орасида ўтган яили биринчи бўлиб «Малик»да эгилувчан шланглар ишлатилиб кўрилди.

Эгилувчан шланглар воситасида суғоришнинг иқтисодий самарадорлиги катта эканлиги амалда исботланди. Ўқариқлар қазишдан воз кечиш туфайли 7-8 процент фойдали майдон тежаб қолинар экан. Бу—далаларда кўчат бут бўлади, қўшимча пахта олинади, ўқариқ қазишга кетадиган вақт, куч ва маблағ тежалади, деҳқончилик маданияти юксалади, дегани! Масалан, ўтган йили хўжалик бўйича 1700 гектар майдон эгилувчан шланглар ёрдамида суғорилиб, ўқариқлар хисобига 120 гектар ер ёки ўртача 12 миллион туп кўчат тежаб қолинди. Бу майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 29 центнердан, жами 3480 центнер қўшимча пахта олинди!

Бу йил хўжаликда пахта майдонларининг 80 процента янги усулда суғорилади. Ўқариқлардан воз кечиш эвазига камида 200 гектар фойдали майдон тежаб қолинади.

М. КРАСИЛЬНИКОВ,
совхоз директори.

А. ЭРГАШЕВ,
бош агроном.

Е. МАЛЬЦЕВ,
бош инженер, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

СОВХОЗ КОЛЛЕКТИВИ ТАДБИРЛАРИ

Яқинда совхоз коллективининг йиғилиши бўлди. Унда юбилей йилида пахтачилик, чорвачилик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини янада ўқасолтириш, маҳсулот етиштириш ҳамда давлатга топширишни кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Пахтакорлар, чорвадорлар, галлакорлар ва сабзавоткорлар 1970 йил учун қуйидаги мажбуриятларни олдилар.

2150 гектар майдоннинг ҳаммасига чигитни уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлаб кетадиган сеялкалар ёрдамида 90×20 сантиметрли схема билан экиш. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллиги арафаси — 5 ноябргача давлатга пландаги 5800 тонна ўрнига 6000 тонна пахта топшириб, социалистик мажбуриятни бажариш. Ялпи ҳосилнинг камида 95 процентини машиналар билан териб олиш ва 80 процентини биринчи сортга топшириш. Ҳосилдорликни гектар бошига пландаги 27 центнер ўрнига 28 центнерга етказиш. Пахтачиликда банд бўлган ҳар бир ишчи ҳисобига 14 тоннадан пахта етиштириш.

Шу мақсадда ер чигит экишга сифатли тайёрланади ва чигит экиш энг қулай агротехника муддатларида қисқа вақт ичида тугалланади. Кўклам экишини муваффақиятли ўтказиш ва ғўза парваришини эрта муддатларда бошлаб юборишу учун мавжуд барча ҳайдов ва чопиқ тракторлари, сеялка ва культиваторлар ремонти, 15 февралгача тугалланади.

Барча майдонга чигит экиш билан бир вақтда бегона ўтларга қарши кураш воситаси бўлган гербицидлар солинади. Чигит экиш олдидан ва экиш билан бир вақтда гектарига 100 килограммдан фосфорли ва 100 килограммдан азотли ўғитлар солинади. Минерал ўғитлар йиллик нормасининг қолган қисми ерга ғўзани биринчи ва иккинчи озиқлантиришда солинади.

Ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 110 минг туп кўчат бўлишига ва ҳосил йиғим-терими бошланадиган пайтда гектарида 100 минг туп кўчат сақлаб қолишга эришилади. Ғўза парваришининг ҳар бир цикли ва суғориш экиннинг талаби ҳамда ер шароитини қатъий ҳисобга олган ҳолда юксак агротехника қоидалари асосида энг қулай муддатларда ўтказилади.

Жами пахта майдонининг 80 процентдаги ғўза эгилувчан шланглар ёрдамида суғорилади ва ўқариқлар олишдан воз кечиш эвазига 200 гектардан ортиқ фойдали майдон тежаб қолинади.

1000 тонна дон, шу жумладан 200 тонна шоли, 100 тонна сабзавот, 275 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 220 тонна хўл мева ва 45 тонна узум етиштириш.

350 тонна гўшт, шу жумладан 80 тонна парранда гўшти етиштириш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланадиган 22 апрелгача давлатга 90 тонна гўшт топшириб, гўшт тайёрлаш ярим йиллик планини бажариш. 2000 тонна сут етиштириш ва унинг 1500 тоннасини давлатга топшириш, йил давомида ҳар бир сигирдан 3450 литрдан сут соғиб олиш. 1 миллион 200 минг дона тухум етиштириш ва давлатга пландаги 350 минг ўрнига 500 минг дона тухум топшириш.

Чорвачилкнинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, шу мақсадда 347 гектар майдонга беда, силосбоп кўкпоя олиш учун 260 гектар ва дон олиш учун 80 гектар майдонга маккажўхори экиш ва эски беданинг гектаридан 120 центнердан, бу йил экилган беданинг гектаридан эса 50 центнердан ҳосил олиш, 2200 тонна беда ва табиий ўтлар пичани тайёрлаш, чорва молларга кўк ҳолида едириш учун 10,5 минг тонна хўл беда олиш, 6000 тонна силос бостириш ва паррандачилик фермаси учун 100 тонна беда уни тайёрлаш.

Бу йил капитал, уй-жой, маданий-маиший қурилишга ҳамда ободончилик ишларига **1 миллион 364 минг сўм маблағ сарфланади.**

Транспортнинг иши тўғри ташкил этилади ва ундан максимал даражада фойдаланилади.

Коллектив аъзолари ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар янада кучайтирилади, социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилади. Ишчи ва хизматчиларга савдо, медицина ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланади.



Суратда: ремонт устахонаси мудирининг ёрдамчиси Қ. Нуралиев ва бош агроном А. Эргашев ўртоқлар сеялкаларни текширмоқдалар.
А. Тўраев фотолари.

СОВЕТ—АФГОН ДЎСТЛИК ШАРТНОМАСИНИНГ 49 ЙИЛЛИГИГА

МУҲИМ ВОҚЕА

Бугун Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида дўстлик Шартномаси имзоланганига 49 йил тўлди. Совет ҳукумати ташпил топган биринчи кунлариданоқ Афғонистонга мустақил давлат сифатида қараб келди ва у билан дўстлик алоқалари ўрнатишга интилди. Шу боисдан ҳам бош Совет республикасининг ҳукумати афғон халқига дўстлик қўлини чўзиб, ҳар иккала давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатишни таклиф этди. Совет ҳукуматининг дўстона муносабати мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини тиклаш учун курашаётган афғонистонликларга сезиларли ёрдам кўрсатди. Афғонистоннинг прогрессив доиралари мамлакатда инглиз ҳукмронлигига қарши олиб борган курашда, Совет республикасининг ҳар томонлама ёрдамига таяниш мумкинлигини яхши тушунардилар.

1919 йилнинг 28 февралида Афғонистон ўзини тўла суверен давлат дея эълон қилди, бироқ Европа ва Осиёнинг буржуа мамлакатлари унинг мустақиллигини тан олишга шошилмадилар. В. И. Ленин бошлиқ Совет ҳукумати 1919 йилнинг 27 мартида Афғонистон мустақиллигини тан олганлигини тантанали равишда эълон қилди. Совет ҳукуматининг ана шу ташқи сиёсати Афғонистон билан бўлган кейинги алоқаларда ҳам ўз аксини топиб келди.

Совет Россияси билан мустақил Афғонистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги туфайли инглиз мустамлакачиларининг Афғонистон атрофига қўйган сиёсий тўсинга чек қўйилди. Бу воқеа фақат Афғонистон манфаатларигагина хизмат қилмасдан, халқаро аҳамиятга ҳам эга эди. Уни мустамлакачилик зуғумидан азоб чеккан барча халқлар қувонч билан қаршиладилар. Халқларнинг Совет Россияси билан бирдамлиги империалистик доиралар-нинг ғашига тегар, шунинг учун ҳам улар бу икки қўшни мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларининг бузилишига зўр бериб уринардилар. Ана шундай оғир бир шароитда, Британия империалистларининг ғиноларига қарамай 1921 йилнинг 28 февралида РСФСР билан Афғонистон ўртасида дўстлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Совет—афғон шартномаси Афғонистоннинг ички ва ташқи сиёсатини мустаҳкамлаш билан бир қаторда афғон халқининг ўз мустақиллиги учун курашида муҳим роль ўйнади. Бу шартнома СССР ва Афғонистон халқлари ўртасида ўзаро ишонч ўрнатилишига асос солди.

Афғонистон тарихида Совет Россияси билан биринчи бор тузилган тенг ҳуқуқли Шартнома имзоланганидан буён ўтган 49 йил мобайнида у ўз ҳаётий кучини ва буюк тарихий аҳамиятини исботлади. Шарқ халқларининг буюк дўсти Владимир Ильич Ленининг бевосита иштирокида тайёрланган ва 1921 йилда тузилган шартнома актуаллиги ва ҳаётбахш кучи билан ҳозирги кунда ҳам катта роль ўйнамоқда. Бетарафлик ҳамда ҳарбий сиёсий блокларга қўшилмаслик сиёсатини тутган Афғонистон шартнома принципларига садоқатини намойиш қилмоқда. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Афғонистоннинг изчиллик билан амалга ошираётган ташқи сиёсатини юксак баҳоламоқда.

Афғонистон бош министри Нур Аҳмад Эътимодининг СССРга келиши муносабати билан 1969 йилнинг 5 ноябрида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин қабул пайтида гапириб, Афғонистон билан бизнинг мамлакатимизни кўп йиллик яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатлари боғлаб турганлигини таъкидлади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, деди сўзига ўртоқ Косигин, мамлакатларимиз ўртасида қатор халқаро проблемаларни ҳал қилишда самарали ҳамкорлик қилишнинг бундан кейин ҳам яхши имкониятлари бор. Чунки, Совет Иттифоқи ҳам, Афғонистон ҳам тинчликни сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлашдан манфаатдордирлар. Афғонистон бош министри ўзининг жавоб нутқида Афғонистоннинг беш йиллик планларини бажаришда Совет Иттифоқининг бегараз ёрдамини юксак баҳолади. У 1921 йилда иккала мамлакат ўртасида тузилган шартноманинг беқиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. Афғонистон билан СССР ўртасида бир битимга келинганлиги халқларимиз тарихига муҳим воқеа бўлиб битилди ва у ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ҳамда бирбирининг ички ишларига аралашмасликнинг мустаҳкам асосидир. У ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига жавоб беради ва ер юзида тинчлик иши учун хизмат қилади.

О. САИДБОЕВ,
тарих фанлари кандидати,
СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти халқаро масалалар бўлимининг катта илмий ходими.



Март ойида Япониянинг Осака шаҳрида халқаро «ЭКСПО-70» кўргазмаси очилади. Бу кўргазмада Совет Иттифоқи Совет ҳокимияти йилларида фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини намойиш қилади. Кўргазма экспозициялари орасида марказий ўринни В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган материаллар эгаллайди: Суратда: халқаро «ЭКСПО-70» кўргазмасида Совет павильонининг умумий кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

САТИРА ва ЮМОР

ШИКОЯТ ДАФТАРИ ҚАНИ?

— Шикоят дафтарини қандай сақлаяпсизлар?— деган саволга кўпгина савдо тармоқларидаги ходимлар лўнда қилиб:

— Бамисоли қоғозга ўралган қантдек сақлаямиз, биродар. Доғ-дуғ у ёқда турсин, гард ҳам юқтирмаяпмиз. Ахир кўл тегмагандан кейин қандай доғ бўлсин,— деб мамнун жилмайиб қўйишади.

Чиндан ҳам шундай. Ҳатто шикоятчиларга ҳам беришмайди. Талаб ва таклифларини ёзмоқчи бўлганларга ялиниб-ёлвариб, елкасига қоқиб чиқариб юборишади. Ваҳолонки, шикоят дафтарига фақат шикоятлар эмас, харидорларнинг талаб, таклифлари ҳам ёзилиши мумкин. Шунинг учун ҳам дафтарнинг бошланишидаёқ «уни сўраганларга сиёҳ-ручкани ҳам топиб бериш керак» деб ёзиб қўйилган.

Баъзи ерларда эса шикоят дафтарига тарихча ҳам эътибор берилмайди: шикоятлар дафтар бетида қолиб кетади. Ҳатто варақлари йиртиб олинган дафтарлар ҳам учрайди.

Ҳамза район ошхоналар трестига қарашли филиалга кириб шикоят дафтарини сўрасангиз, столга шап этқизиб ташлашади-да:

— Ҳоҳлаганингизча ёзавермайсизми?— дегандек бепарво тура беришади. Маълум бўлишича, бу ерда шикоят дафтарига кераксиз буюмдек қаралар, ёзилган шикоятлар дафтар бетида қолиб кета берар экан. Ундаги карам шўрванинг маза-матрасизлиги, гуляшнинг кам берилиши ва лагмон қайласи оз солинаётгани ҳақидаги ишчилар шикояти оқибатсиз қолаверган. 4-ошхонанинг буфетида эса шикоят дафтари умуман йўқ экан.

Куйбишев «Райпищеторг»идаги магазинларнинг кўпчилигида ҳам харидорларнинг ўрин ли шикоятлари дафтар бетида қолиб кетаверган. 13 ва 43-озиқ-овқатлар магазинидаги шикоят дафтарига сотувчиларнинг қўпол муомала қилишаётгани ёзилган эди. Бунга ҳам чора кўрилмаган. Ҳатто шикоят дафтари харидор кўзидан нарига, директор кабинетига яшириб қўйилган. Шу райондаги 30 ва 43-магазинларда эса шикоят дафтарининг баъзи варақлари йиртиб олинган. Афтидан, харидорлар шикоят дафтарининг бу бетларига савдо ходимлари шаънига ўтиришмайдиган сўзлар ёзиб кетишган бўлса керак.

Халқимизда гап тегини гап очар, деган нақл бор. Биз ҳам шикоят дафтарларини текшириш баҳонасида баъзи бир бетартибликларнинг устидан чиқиб қолдик. Чунончи, сариёғ қизиқ нарса бўларкан. Уни харидорлар у ёқда турсин, савдо ходимларининг ўзлари ҳам дарҳол «ажратиша олмас» эканлар.

Баъзан олий навли сариёғ ўрнига ундан анча арзон турадиган биринчи нав сариёғни бериш ҳоллари ҳам учрайди.

11-«Гостроном»даги гўшт бўлимида ҳам сотилаётган молнинг навларини яхшироқ «ажратиша» олишмас экан. Бу ҳақда катта ва кичик норозиликлар, узун қулоқ гаплар оралаб қолди. Бир куни Тошкент шаҳар савдо инспекциясидаги ўртоқлар нотаниш харидорга тортиб берилган қўй гўштини олиб текширишганда бу гаплар ҳақ бўлиб чиқди. Яъни беш сўмлик гўштнинг 300 граммдан ортиғи иккинчи сорт бўлиб чиққан. Буни кўриб ҳар қандай одам ёқа тутиб:

— Оббо, ноинсофлар-эй, харидор чўнтагига кўз олайтириш инсофсизлик-ку — деб айтишлари аниқ. Тўғри, сариёғ билан гўштнинг турли сортлари ёнма-ён турса ёки алоҳида-алоҳида қўйилган тақдирда ҳам харидорларга сездирмай қимматига арзонидан қўшиб юбориш осон, бироқ стакан сортларини «ажратолмайдиган» сотувчига нима деса бўлади.

— Қандай стакан?— дейсизми.

— Оддий, одамлар қанд чой ичадиган стакан-да.

Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан. 6-хўжалик моллари магазини витринасига териб қўйилган стаканларга 24 тийинлик нарх ёзиб қўйилган эди. Синчиклаб қаралганда, булар орасида 14 тийинлиги ҳам чиқиб қолди. Бундан 315 дона экан, текширувда икки юзтаси сотиб юборилгани аниқланди, Қандай нархда пулланганги сотувчигагина аён.

Турган гапки, булар ҳаммаси савдо қонун-қоидаларини бузиш ва софдиллик билан иш олиб бораётган кўплаб савдо ходимлари шаънига доғ тушириш, холос. Тўғри, халқимиз айтганидек, элнинг моли томоқдан сарёғдек «лиқ» этиб ўтиб кетавермайди. Бир кун бўлмаса, бир кун қинғир ишнинг қийиғи чиқади, нопоқ ишга қўл урган одам қизариб қолади.

Э. ВАҲОБОВ,
Л. ПАРПИХЎЖАЕВ.

ОНА НАСИҲАТИ

Кўз нурим, дил қувватим, жоним қўзим, май ичма кўп,
Сенга мендан шу насиҳат, юлдузим, май ичма кўп.
Бўлсанг ҳам гар анжуманда, ошмасин меъёридан,
Бўлса басдир хуш сухан, хуш найф қўзим, май ичма кўп.
Сен ҳаётимнинг чироғи, обрўйимнинг кўркисан,
Нақ камолинг авжида, эй ёлгизим, май ичма кўп.
Кўп ичиб, бадмаст бўлиб, қолсанг тубанлик қаърида,
Йиглаб ўтгай ой, кунинг, бу ҳақ сўзим, май ичма кўп.
Майпарастлиқдан жамолинг нақрабодек сарғаюр,
Гул бадан заҳрила тўлса, йўқ тузим, май ичма кўп,
Доимо сармаст эсанг, сендан безар ёр-ошино,
Ранжигай қалбим, қоронгу кундузим, май ичма кўп.
Онаман эзгу тилак қўллар ҳаётим мавжида,
Сен ҳаётим гулшани, шаън наврўзим, май ичма кўп.
Хоҳишим, тинмай чаманга нур тарат боғбон бўлиб,
Яйрасин орзум боғида гул юзим, май ичма кўп.
Бу ҳақиқат сўз ила Маҳбуба қалб розин дедим,
Бу гулимни таҳса авлод, шод ўзим, май ичма кўп.

МАҲБУБА РАҲИМ қизи.

РАССОМ ТАБАССУМИ

Изоҳга ҳожат йўқ.

Филга ҳай иш топилди.

М. Воробейчиков чизгаи расмлар.

ИХТИЁРИЙЛИК БАЛОСИ

В. ЗАХАРОВ,
(Марий ёзувчиси)

ҲАЖВИЯ

Яншанба куни кечқурун уйга қайтиб келганимда қайнонам бошимга кўз ташлаб, лабини тишлади-да, киноя қилди:

— Шу даражага борибсиз-да, куёв тўра!.. Ҳали Катерина келсин, тарашланган бошингизга боплаб совун суриб қўяди...

— Нима деяпсиз, ойижон! — жаҳлим чиқиб кетди менинг. Ахир буни ўз ихтиёрим билан қилдим. Сочининг қурукшаши йўқолади деб врач маслаҳат берганди. Ҳозиргина сартарошхонадан чиқиб келяпман...

Қайнонам бошимга яна бир бор ғалати қараш қилиб қўйди-да, бир нарса деб ғўлдираганча ошхонага кириб кетди. Мен бир шиша қатиқ ичиб, газета ўқий бошлашим. Лекин Наташка ҳаделаганда газета ўқишимга қўймасди.

— Дада, сиз ҳам ҳушёрхонага тушдингизми? Бирам хунукгиназ чиқиб кетибдики...

Қизимга ғаш тушунтиришимга улгурмаёқ хотиним кириб келди. Мен унга кулимсираган эдим, хотиним совуқ қараш қилиб заҳар сочди:

— Табриклайман!.. Неча пул штраф олишди?

— Ҳаммаси бўлиб йигирма тийин. — ҳазиллашмоқчи бўлдим мен.

— Оббо, арзонлашиб кетибди-ку... Қани, бир хуф денг-чи!

Кечаси билан ухлолмай безовта бўлиб чиқдим, Эрталаб нардан-берк чой ичиб ишга жўнадим. Соат саккиз яримда табелчи аёл муғомбирона кулимсираб, мени цех бошлиги чақираётганини айтди.

— Сендан кутмагандим, — таъна қилди Семён Иванович кўз ойнаги тагидан бошимга қараб.— Ўз ихтиёрим билан соч олдирдим дейсанми? Лақиллатма. Кольчиков, ҳозирги пайтда ким ўз ихтиёри билан соч олдиради? Агар сартарошхонада справка беришганда гапинга ишонса бўларди... Майли, ҳужжат келгач қилмишинг маълум бўлиб қолар. Фақат шаллангини кийиб олсанг бўлармиди, ахир, одамлар уят қилишади.

Семён Иванович олдидан ер ёрилса кириб кетгудай бўлиб чиқдим. Цехда эса чекка-чекка-дан менга қараб кўз қисиб кўл бошладилар. Улар гўё «Яна мастер эмиш! Адойи тамом бўлибди-ку... Нақотки шу даражага бориб етган бўлса?..» деляпгандай бўлишарди.

Ускуна буюмлар бюросининг бошлиғи Фёдор Напильников елкамга қоқиб қўйиб кўнглимни кўтарган бўлди:

— Хафа бўлма, Павел. Бундай одам фақат сен эмас... Бир оз койишади, албатта. Бунинг-сиз мумкин эмас. Меъёрни билиш керак эди-да... Сартарошхонада эдим сен-ай! Лекин бу гапинг ҳозирги пайтда кетмайди, азизим... Бирортасига бундай деб оғиз оча кўрма.

— Ҳа, Павел, глобусингни бўяпсан-да, а! — гап ташлади контролёр Пичужкин. — Эҳтиёт қил уни! Балик овига чиқишни одат қил, оғайни. Табиат қўйнида сочингни ҳам, соқолингни ҳам олишмайди. Ҳам мазза қилиб ичасан, ҳам балиқ овлайсан. Шунақа, дўстим.

Таажжуб: ким билан гаплашмай ўз ихтиёрим билан соч олдирганимга, ҳушёрхона тугул, унинг эшигини ҳам кўрмаганимга ҳеч ким ишонмасди. Бир хиллар мени қорадашар, бошқалар тарафимни олишарди. Лекин бирорта одам гапимга ишонмасди. Хотиним билан қайнонамни-ку гапирмасам ҳам бўлар! Маош олгунимча ўн беш кун мобайнида уйимдагилар мендан араз бўлиб юришди.

Шубҳасизки, ҳушёрхонадан ҳеч қандай қоғоз келмади. Аста-секин ҳамма нарса жой-жойига тушиб, сочим ҳам ўсиб кетди. Лекин энди сартарошхонани елкамнинг чуқури кўрсин-эй! Агар справка берилмаса, қадам ҳам босмайман у ерга!

Русчадан **Х. ЭРГАШЕВ** таржимаси.

МУЗЕЙ—ВИСТАВКА

СССР Мудофаа министрлигининг энг йирик артиллерия инженерлик ва алоқа қўшинларининг Ленинграддаги ҳарбий-тарихий музейининг Тошкентга келган «Ватаннинг содиқ фарзандлари» кўчма виставкаси меҳнатнашларнинг диққатига сазовор бўлмоқда.

Кўчма виставка стендлари ҳарбий-тарихий ҳужжатларга жуда бой. Биринчи стендга X—XV аср жангчиларининг курол-аслаҳалари қўйилга н. Стендларнинг бирида улуғ рус саркардалари П. А. Румянцев, А. В. Суворов, М. И. Кутузов бошчилигида қозонилган шонли ғалабалар, А. В. Суворовнинг 60 жангда ғолиб чиқиб, Измаил қалъасини олиши ва қорли Альпларни босиб ўтган баҳодирлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Қадимий литография Турния жангида қўмондон Суворовнинг ярасини боғлаган гренадер Степан Новиковнинг қаҳрамонлигини кўз олдингизга келтиради. 1812 йил Ватан урушига бағишланган стендда полтавалик крепостной деҳқон, Финляндия лейб-гвардия с нинг гренадери Л. Коренной-нинг ҳарбий анжомлари турибди. У жангда ўз командирининг жонини сақлаб қолиб 12 французни ўлдиради. Бу қаҳрамонни Наполеон нинг шахсан ўзи Франциянинг энг улуғ фахрий легион ордени билан мукофотлашга тавсия қилди. Ленин Коренной Наполеоннинг бу саҳийлигини рад қилиб ўз ватанига қайтди ва шу ерда крепостной деҳқонлигича қолади.

Залдаги тарихий ҳужжатлар Октябрь революцияси, «Аврора»нинг биринчи залпи, Қишки саройнинг олинниши, Урта Осиёда Совет ҳокимиятининг ташкил топиши, Ватан уруши даврида биринчи марта кашф этилган ажойиб қуролларнинг кашфиётчилари В. А. Дегтяров, Ф. В. Токарев, Г. С. Шпагинлар ҳақида маълумот беради.

В. КУЗНЕЦОВ,
В. СМИРНОВ,
СССР Мудофаа министрлиги артиллерия инженерлик ва алоқа қўшинларидаги ҳарбий-тарихий музейининг илмий ходимлари.

Ташқи мамлакатларда

Ж. ПОМПИДУНИНГ АҚШГА ҚИЛГАН ВИЗИТИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 26 февраль. (ТАСС). Расмий визит билан АҚШга келган Франция президенти Ж. Помпиду Америка конгресси вакиллар палатаси билан сенатнинг қўшма мажлисида нутқ сўзлади. У Яқин Шарқда вазиятнинг кескинлашганидан ташвишланганлигини билдирди ва бу районда кескинликни музокаралар йўли билан бартараф этишга чақирди. Ж. Помпиду Яқин Шарқдаги аҳвол «Франция-Америка муносабатларини яхшилаш йўлига жиддий тўсқинлик қилаётганлигини» таъкидлаб ўтди.

Франция президенти ўқтириб ўтдики, Исроил учун ўзининг араб қўшнилари билан тинч ва ўзаро келишмасдан туриб ишончли истиқбол бўлиши мумкин эмас. Бу ўзаро келишиш, деб таъкидлади у, Исроилнинг ҳарбий босқинчиликдан воз кечишини ва Фаластин проблемасининг ҳал этилишини тақозо қилади.

Ж. Помпиду БМТ ҳамда «кескинликни бартараф этиш хусусида тегишли гарантиялар билан мустаҳкамланган умумий шарт-шароитлар» хусусида Хавфсизлик Кенгашининг тўрт доимий аъзолари ўртасида ўзаро келишиш йўли билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишига чақирди.

Помпиду Кўшма Штатларнинг Вьетнамдаги сиёсати ҳақида гапириб «урушнинг тўхтатилиши АҚШ учун энг қимматбаҳо ғалаба, аввало, мамлакат ичкарисидаги ғалаба» бўлур эди деб таъкидлади.

БОННДАН МАДАД СЎРАБ

БОНН, 26 февраль. (ТАСС). Исроил ташқи ишлар министри А. Эбаннинг ГФРга визити кеча тамом бўлди. У визит вақтида ташқи ишлар министри Шеел, кўзгалиш министри Шиллер ва молия министри Меллер билан учрашди.

«Франкфуртер рундшау» газетасининг ёзишича, Эбан ГФРдан Исроилга яна кредит беришини истаганлигини билдирган. Бундан ташқари Исроил Ҳарбий Европа «Умумий бозори» билан янада мустаҳкамроқ ҳамкорлик ўрнатиш учун Боннидан мадад олиш ниятидадир.

Эбан Боннда сўзга чиқиб, ГФР пойтахтида олиб борилган музокаралар «ГФР билан Исроил ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам эканлигига ишончимни кучайтирди» деб айтди.

АМЕРИКАЛИКЛАР ДАРҒАЗАБ БЎЛДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. (ТАСС). Қўшма Штатлардаги кўпгина оммавий ташкилотлар урушга қарши ҳаракатда қатнашган ва Чикагода суд қилинган етти кишини ёқлаб чиқ-дилар. Жамоатчилик вакиллари ҳозирги вақтда уларнинг шикояти юқори инстанциядаги судда кўриб чиқилгунча маҳбусларни кафилга олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ана шу етти кишининг Чикагода таъқиб этилганига қарши оммавий норозилик намойишлари мамлакатнинг ҳамма қисмига ёйилди. Маъмурлар намойишчиларга қарши кўп марта полицияни сафарбар қилдилар.

АҚШДА ЯДРО ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. (ТАСС). АҚШнинг атом энергияси комиссияси кеча Невада полигонида яна ер остида ядро портлатилганини эълон қилди. Шу билан шу йил АҚШ да ер остида олтинчи марта ядро портлатилди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида: 10.00 — «ХУШ-ВАҚТ БЎЛИНГ» (музикали дам олиш программаси). 10.40 — «Ўлмас гарнизон». (бадиий фильм). 12.00 — Москва кўрсатади.

16.55 — Тошкент кўрсатади. 17.00 — Телеянгиликлар. Ўзбек тилида: 17.15 — Қўғирчоқ фильм. 17.40 — Телефильм. 18.50 — Совет—Афғон дўстлигининг 49 йиллиги. 19.10 — Телеянгиликлар. 19.20 — Н. Неъматов куйлайди. 20.00 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — Тошкент. Ўқув кўрсатувлари. 15.45 — Москва кўрсатади.

20.00 — Тошкент кўрсатади. 20.20 — «Физкультура ва спорт». 21.40 — «Раққоса хиром этганда». Севилья Тангуриева. 22.30 — «Уликлар ва тириклар» (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да Оққуш кўли, 28/II да Паяци, 1/III да Зайнаб ва Омон (кундузи), Жизель, Лилиана Козн гастроллари (Италия).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да Мирзо Улуғбек, 28/II да Шоҳ Эдип, 1/III да Олтинчи июль (кундузи), Аяжонларим (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да Ажаб савдолар, 28/II да Паранжи сирлари.

КИНО

Қашқир наъраси — «ЧАЙКА», «СПУТНИК». «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).. НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12, кечқурун 9.20 минутда).

Усмирлар (2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ». «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қирқ биринчи йил олмалари (кундуз соат 1,5 ва кеч 7 да).

Чингачгук — катта илон (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 9 ва 10 яримда) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

Дўппи кийган паришта — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Тилла исирга (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 яримда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАҚОР» СТАДИОНИГА

қурилиш мутахассислиги ишчилари, спорт иншоотлари эксплуатацияси бўйича усталар, слесарь-сантехниклар, электротехниклар, радиотехниклар, ёрдамчи ишчилар, спорт мавсуми вақтида ишлаш учун стадионга кириш билетларини сотувчи кассирлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри. Социализм кўчаси, 21-уй, кадрлар бўлими.

БАҲОР НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
(В. И. Ленин майдони)
2 МАРТДА
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКАРИМОВА. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Дилором ШЕРОВА. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти. Жаҳон ёшлари фестивалининг лауреатлари Одил ҚАМОЛХЎЖАЕВ, Дилбар ФАЕЗОВА.

СОЛИСТЛАР:
Комилжон БАРАТОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Манзура МУМИНОВА, Карима УЗОҚОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати Зайтуна ТОЖИБОЕВА олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар «Баҳор» концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Концертга абонемент №5 билан кириш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кучаси, 24 уй)
ТЕЗ КУНДА
БАҲОРГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
Тошкентда биринчи янги
«СУВДАГИ ЖОЗИБАЛАР»
АТТРАКЦИОНИ
Бутуниттифоқ цирк номерлари кўригининг лауреати Илья СИМВОЛОКОВ.
Кеч соат 8 да бошланади.
Шанба кунлари соат 3 ва 8 да, якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва 8 да бошланади

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Эркин ВОҲИДОВ
«ОЛТИН ДЕВОР»
3 пардали комедия
Сахнага қўювчи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукофоти лауреати — Т. У. ХУЖАЕВ.
Режиссёр ассистенти — Б. ЯЛДОШЕВ.
Рассом — М. ЭШОНХЎЖАЕВ.
АСОСИЙ РОЛЛАРДА
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғани АЪЗАМОВ, Амин ТУРДИЕВ, Саифи ОЛИМОВ, Қудрат ХУЖАЕВ, Сабохон КАРИМОВА, Тўғон ШУКУРОВ ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ойдин НОРБОЕВА, Рихси ИБРОҲИМОВА, Турғун ХОНТУРАЕВлар иштирок этадилар.

БАЛИҚЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1 мартдан 31 майгача Амударё ва Сирдарёда балиқ овлаш ТАҚИҚЛАНАДИ
«Ўзбекрибвод».

САТИРА ва ЮМОР

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт —331216. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 333347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка —337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши —38—42. Нукус —42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Урганч 34—55. Гулистон —22—09.

№ Г. — 49. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02294.